

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан
Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Божхона хизмати
ўртасида Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси
ўртасида товар ва транспорт воситаларини олиб ўтишда божхона
операцияларини амалга оширишнинг соддалаштирилган
тартибини (“Соддалаштирилган божхона йўлаги”)
ташкил этиш тўғрисида
БИТИМ**

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Божхона хизмати, кейинги ўринларда Томонлар деб аталувчилар,

2017 йил 14 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Божхона хизмати ўртасида божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Протоколга амал қилган ҳолда,

Томонлар давлатларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Томонлар ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳимлигини инobatга олиб,

савдога кўмаклашиш, товар айланмасини кўпайтириш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида божхона операцияларини амалга оширишни тезлаштириш орқали Томонлар давлатлари ўртасидаги савдони соддалаштириш заруриятини таъкидлаб,

Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасидаги савдо хавфсизлигини таъминлаш учун Томонлар давлатлари ҳудудларидан келиб чиқадиган товарларнинг божхона назорати самарадорлигини ошириш мақсадида дастлабки ахборотнинг электрон алмашуви орқали амалга ошириладиган божхона ҳамкорлигининг муҳимлигини эътироф этиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар мунтазам равишда савдога кўмак берувчи “Соддалаштирилган божхона йўлаги” (кейинги ўринларда – СБЙ) деб аталувчи тартибст қўлланиладиган товар ва транспорт воситалари тўғрисидаги дастлабки ахборотни алмашадилар (кейинги ўринларда – дастлабки ахборот).

2-модда

Томонлар маълумотларнинг таркиби, тузилиши, шакли, дастлабки ахборот алмашиш жараёни регламенти ва технологияси, зарур классификаторлар, шунингдек, тақдим этиладиган ахборотни ҳимоя қилиш бўйича чораларни кўзда тутувчи ахборот ҳамкорлигининг техник шартларини келишиб оладилар.

Дастлабки ахборот алмашинуви Томонларнинг ўз ваколати ва Томонлар давлатларининг миллий қонунчилиги доирасида амалга оширилади.

Дастлабки ахборот рус тилида тақдим этилади.

3-модда

Мазкур Битимнинг 1-моддасини амалга ошириш ақсадида Томонлар дастлабки ахборот алмашиш технологиясини ишлаб чиқиш учун дастлабки ахборот алмашинуви бўйича синовдан ўтказишни ташкил қиладилар ва тадбиқ этадилар.

Томонлар мазкур Битим имзоланган кундан бошлаб олти ой давомида мазкур Битимнинг 2-моддаси амалга оширилишини таъминлайдилар, шунингдек, зарур тадбирларни бажариш муддатларини келишиб оладилар.

Техник масалалар келишиб олинганидан сўнг Томонлар дастлабки ахборот алмашинуви билан боғлиқ зарур ташкилий тадбирларни амалга оширадилар ва синовдан ўтказишни бошлашга тайёр эканликлари тўғрисида бир-бирларини ёзма равишда хабардор қиладилар.

Томонлар ўтказилган синов натижалари бўйича дастлабки ахборотни доимий равишда алмашишни бошлаш муддатлари ҳақида қарор қабул қиладилар ва қабул қилинган қарор ҳақида бир-бирларини ёзма равишда хабардор қиладилар.

4-модда

Мазкур Битим қоидаларига мувофиқ ишончли ахборот тақдим этилган, олиб ўтиладиган товар ва транспорт воситалари қуйидаги имтиёзларга эга бўладилар:

божхона расмийлаштируви амалга ошириладиган (асосий) жойларда (божхона юк декларацияси/товарлар бўйича декларация расмийлаштириладиган божхона органи) мазкур Битим иловасига мувофиқ рўйхатга киритилмаган товарларга нисбатан устуворлик;

божхона операцияларини тезлаштириш;

Томонлар давлатларининг давлат чегараси орқали олиб ўтилаётган, мазкур Битим иловасига мувофиқ рўйхатга киритилган товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан божхона кўриги ўтказилмайди, башарти Томонлар қўллайдиган хавф профилларига ва санитария, ветеринария-санитария ҳамда карантин фитосанитар чораларини қўллашнинг умумий тамойилларига мувофиқ бир Томон давлати божхона қонунчилиги бузилиши аниқланмаса.

Зарур ҳолларда, божхона кўриги имкон қадар қисқа муддатларда ўтказилади.

5-модда

СБЎ бир Томон давлати ҳудудидан келиб чиқадиган ва олиб чиқиладиган ҳамда иккинчи Томон давлати ҳудудига ҳар қандай транспорт воситасида олиб кириладиган мазкур Битим иловасидаги товарларга нисбатан қўлланилади. Мазкур Битимнинг 2-моддасига мувофиқ дастлабки ахборот тақдим этилмаган товарларга нисбатан СБЎ қўлланилмайди.

6-модда

Томонлар дастлабки ахборотдан хавфни бошқариш миллий тизимларини қўллаган ҳолда ўз давлатлари ўртасида олиб ўтиладиган товар ва транспорт воситаларининг божхона назорати мақсадларида фойдаланишни таъминлайдилар.

7-модда

Томонлардан ҳар бири мазкур Битим доирасида олинган дастлабки ахборотни уни тақдим этган Томоннинг ёзма розилигисиз ошкор этмаслик ва учинчи томонга тақдим этмаслик мажбуриятини олади.

Томонлар олинган ахборотнинг махфийлигини ўз давлатларининг миллий қонунчилигига мувофиқ таъминлайдилар.

8-модда

Дастлабки ахборот тақдим килинган товарларни нотўғри декларациялаш ёки декларацияламаслик билан боғлиқ Томонлар давлатлари божхона қонунчилиги бузилиши аниқланган тақдирда, Томонларнинг ҳар бири бундай ҳуқуқбузарлик ҳақида бошқа Томонни имкон қадар қисқа муддатларда хабардор этади.

9-модда

Томонлар мазкур Битим қоидаларини амалга оширишга оид масалалар билан шуғулланувчи ваколатли таркибий тузилмалари тўғрисида бир-бирларини хабардор этадилар.

10-модда

Мазкур Битим Томонлар давлатлари иштирокчилари бўлган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

11-модда

Томонларнинг ўзаро розилиги асосида мазкур Битимга унинг ажралмас қисми ҳисобланган алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

12-модда

Мазкур Битим қоидаларини талқин этиш ёки бажаришда Томонлар ўртасида юзага келадиган низолар маслаҳатлашув ва музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

13-модда

Мазкур Битим имзоланган санадан бошлаб кучга киради.


Мазкур Битимнинг амал қилиши Томонлардан бири бошқа Томонга унинг амал қилишини тугатиш ҳақидаги ўз истагини ёзма хабарнома юбориш орқали тугатилиши мумкин. Бу ҳолда мазкур Битимнинг амал қилиши бошқа Томон бундай хабарномани олган пайтдан уч ойдан сўнг тугатилади.

Душанбе шаҳрида 2018 йил 9 мартда икки нусхада ҳар бири ўзбек, тожик ва рус тилларида имзоланди, бунда барча матнлар тенг аутентикдир ва бир хил юридик кучга эгадир. Мазкур Битим қоидаларини талқин қилиш мақсадида рус тилидаги матн қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси
номидан



Тожикистон Республикаси
Ҳукумати ҳузурдаги
Божхона хизмати номидан



Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан Тожикистон Республикаси Хукумати ҳузуридаги Божхона хизмати ўртасида Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида товар ва транспорт воситаларини олиб ўтишда божхона операцияларини амалга оширишнинг соддалаштирилган тартибини (“Соддалаштирилган божхона йўлаги”) ташкил этиш тўғрисида Битимга илова

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан Тожикистон Республикаси Хукумати қошидаги Божхона хизмати ўртасида Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида товар ва транспорт воситаларини олиб ўтишда божхона операцияларини амалга оширишнинг соддалаштирилган тартибини ташкил этиш (“Соддалаштирилган божхона йўлаги”) тўғрисида Битим объекти бўлган товарлар

гг/р	Товарларнинг номи	Товарларнинг ТИФ ТНга мувофиқ коди
1	Сабзавотлар ва айрим истеъмол учун яроқли илдизмевалар ва қулупнайсимон мевалар	07 гуруҳ
2	Истеъмол учун яроқли мева ва ёнғоқлар; цитрус мевалар пўстлоғи ёки қовун пўсти	08 гуруҳ
3	Ковурилмаган ёки ҳар қандай бошқача тарзда тайёрланмаган, чақилган ёхуд чақилмаган, майдаланган ёки майдаланмаган ер ёнғоқ	1202 позиция
4	Сабзавотлар, мевалар, ёнғоқлар ёки ўсимликларнинг бошқа қисмларини қайта ишлаш маҳсулотлари	20 гуруҳ
5	Турли озиқ-овқат маҳсулотлари	21 гуруҳ